

**ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛАДИГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗ УЧУН
“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ КЕНГ ИМКОНияТЛАР ЭШИГИНИ ОЧМОҚДА****Ахмедов Жавохир Жамолович**

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ижрочи директор ўринбосари
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: j.ahmedov0401@gmail.com
Тел: +99897-441-15-11

Темиров Муҳаммад Махмуд ўғли

“Эл-юрт умиди” жамғармаси бош мутахассиси
E-mail: mukhammad.t.m. @gmail.com
Тел: +99897-316-65-51

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланиб “Эл-юрт умиди” жамғармасига 2021 йилда очиқ стипендия танловлари асосида ёшларнинг нуфузли хорижий мамлакатларда бакалавриат дастури бўйича таълим олиши учун 100 та ўрин, магистратура ва докторантурада ўқиш учун аввалги йилларга нисбатан ўртача 5 баробар кўп ўрин ажратиш вазифалари юклатилган.

Иқтидорли ва истиқболли, айниқса республика ҳудудларидан ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янада модернизациялаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компанияларда мақсадли таълим олишини ҳамда стажировкадан ўтишини ташкил этиш, профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этиш борасида барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралда “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6168-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармонга асосан :

очиқ стипендия танловлари асосида хорижда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш дастурлари Жамғарманинг асосий таълим дастурлари ҳисобланиши;


Жамғарма таълим дастурлари бўйича номзодларни саралаш танлови мунтазам равишда ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун, уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъий назар очиқ тарзда амалга оширилиши;

Жамғарма томонидан вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича стажировкадан ўтиш дастурлари ташкил этилиши белгиланди.

Жамғарма Васийлик кенгашининг 2020 йил декабрь ойидаги қарорига асосан бугунги кунда устувор ҳисобланган математика, кимё, биология ва геология фанлари бўйича Жамғарманинг 2021 йилдаги биринчи стипендия танловлари 3-босқичда январь-март ойларида ўтказилди.

Жамғарманинг биринчи стипендия танловида жами **2957 нафар** номзодлардан онлайн рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг **1393 нафари** талаб этилган ҳужжатларни тўлиқ юклаган, шулардан Техник гуруҳ томонидан Низом талабларига жавоб берадиган **909 нафар** номзодларнинг ҳужжатлари кейинги босқичга тавсия этилган.

Давлат тест маркази томонидан **2021 йил 10 март куни** республика ҳудудларида Жамғарманинг 2021 йилги биринчи стипендия танлови 2-босқичга тавсия этилган **жами 909 нафар** номзодларнинг хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича тест синовлари ўтказилган. Ўтказилган тест синовларида республика ҳудудларидан **жами 283 нафар** номзодлар кейинги босқичга тавсия этилган.



1-расм. Жамғарманинг 2021 йилдаги биринчи стипендия танлови ғолибларининг фанлар ва хорижий таълим дастурлари кесимида маълумот.

Жамғарманинг таълим дастурлари бўйича номзодлардан танловнинг 3-босқичида экспертлар томонидан мутахассислик бўйича суҳбат ўтказилган бўлиб, магистратура ва докторантура дастурларида **33 нафар** номзодлардан **7 нафари** малака ошириш ва стажировка ўташ таълим дастурларида иштирок этган **229 нафар** номзодлардан **108 нафари жами 115 нафар** номзодлар Жамғарма стипендианти деган юксак мақомга эга бўлишди.

Биринчи стипендия танлови ғолибларини фанлар кесимида таҳлили қиладиган бўлсак, кимёдан **38 нафар**, геологиядан **33 нафар**, математикадан **24 нафар**, биологиядан **20 нафар** иқтидорли ёшлар ва соҳа мутахассислари саралаб олинган.



2-расм. Жамғарманинг 2021 йилдаги биринчи стипендия танлови ғолибларининг вазирлик ва идоралар ҳамда вилоятлар кесимида маълумот.

Жамғарманинг 2021 йилдаги биринчи стипендия танлови ғолибларининг вазирлик ва идоралар кесимида таҳлил қилсак Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан **58 нафар**, Халқ таълим вазирлигидан **24 нафар**, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасидан **21 нафар**, Фанлар академиясидан **8 нафар**, бошқа вазирлик идора ва ташкилотлардан **4 нафар**, **жами 115 нафар** замонавий билим ва кўникмага эга мутахассислар танлов ғолиблари деб топилдилар.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси ва Республика маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда 2021 йил 21 май куни математика, кимё, биология ва геология фанлари бўйича Жамғарманинг 2021 йилдаги биринчи стипендия танловининг **115 нафар** ғолибларига сертификатларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мурожаатномасида ҳамда юқоридаги Фармонда “Эл-юрт умиди” жамғармасига берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича Жамғарманинг 350 ўринга мўлжалланган навбатдаги стипендия танловлари жорий йил апрел-май ойларида ўтказилди.



3-расм. Жамғарманинг 350 ўринга мўлжалланган навбатдаги стипендия танловининг таълим дастурлари йўналишлар тўғрисида маълумот.

Мазкур танлов республикамизнинг барча фуқаролари учун очиқ бўлиб, ўқиш ва иш жойидан қатъий назар ёшлар ва мутахассислар бугунги кундаги устувор ҳисобланган барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича иштирок этдилар.

Жамғарманинг **350 ўринга** мўлжалланган навбатдаги стипендия танловида бакалаврият таълим дастури бўйича **100 та**, магистратура таълим дастури бўйича **150 та** ва докторантура таълим дастури бўйича **100 та** ўринлар ажратилган. Ажратилган ўринларни танлов ўтказиш йўналишлари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, давлат ва жамият бошқаруви йўналишига **105 ўрин**, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасига **25 ўрин**, таълим соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқларига **180 ўрин** ҳамда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига **40 ўринга** мўлжалланган квоталар ажратилган.

ЖАМҒАРМАНИНГ 350 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИККИНЧИ СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИНИНГ БИРИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИГА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ ТОПШИРГАН НОМЗОДЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ КЕСИМИДАГИ СТАТИСТИКАСИ



4-расм. Жамғарманинг 350 ўринга мўлжалланган навбатдаги стипендия танловида қатнашиш учун рўйхатдан ўтган номзодлар тўғрисида маълумот.

Мазкур танловда иштирок этиш истагида бўлган номзодлар Жамғарма расмий веб сайтида онлайн ҳужжат топшириш платформаси орқали бакалаврият таълим дастури дастури бўйича **1728 нафар**, магистратура таълим дастури бўйича **1371 нафар** ва докторантура таълим дастури бўйича **711 нафар**, **жами 3810 нафар**, номзодлар танловда қатнашиш учун рўйхатдан ўтишган.

ЖАМҒАРМАНИНГ 350 ЎРИНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИ ИККИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН НОМЗОДЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ КЕСИМИДАГИ СТАТИСТИКАСИ



5-расм. Жамғарманинг 350 ўринга мўлжалланган навбатдаги стипендия танлови 1-босқичидан ўтган номзодлар тўғрисида маълумот.

Техник гуруҳ томонидан Низом талабларига жавоб берадиган биринчи босқичида зарур ҳужжатларни электрон шаклда платформага юклаган **жами 196 нафар** номзодлар иккинчи босқичга тавсия этилган.

Жамғарманинг 350 ўринга мўлжалланган навбатдаги стипендия танлови иккинчи босқичи 17-20 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўтказилиб, номзодларнинг мутахассислик бўйича (бакалаврият таълим дастуридан ташқари) ва маънавий-маърифий билимлари юзасидан суҳбат ўтказилди.

Ўтказилган суҳбат натижаларига кўра **62 нафар** номзодлар бакалаврият, **44 нафар** номзодлар магистратура ва **9 нафар** номзодлар докторантура таълим дастурлари бўйича, **жами 115 нафар** номзодлар 2-босқичдан муваффақиятли ўтишган.

Бугунги кунда мазкур танлов натижалари Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида.

2021 йилдан бошлаб Жамғарма очиқ стипендия танловлари мунтазам ташкил этилишини инобатга олиб, етакчи хорижий давлатларнинг нуфузли таълим муассасалари ва илмий марказларида таълим олишга юбориладиган стипендиатлар орасида хотин-қизлар улушини 20 фоизга кўпайтириш вазифаси Президентимиз томонидан ПҚ-5020-сон қарорида белгиланган.

Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Жамғарма томонидан бакалавриат босқичини муваффақиятли тамомлаб, хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим, илмий ёки бошқа муассасаларига Жамғарма стипендиялари асосида ўқишга юбориладиган стипендиатлар орасида хотин-қизлар улушини ошириш мақсадида "Эл-юрт умиди" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Жамғарма томонидан 2018-2021 йиллар давомида **жами 1002 нафар** стипендиатлар етакчи хорижий давлатларнинг нуфузли таълим муассасалари илғор компанияларига таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилган бўлиб, уларнинг **391 нафари ёки 39%** хотин-қизлар улишига тўғри келади. Жамғарманинг малака ошириш дастури бўйича **289 нафар**, стажировка ўташ дастури бўйича **74 нафар**, магистратура таълим дастури бўйича **19 нафар** ва докторантура таълим дастури бўйича **9 нафар** хотин қизлар АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия Япония, Жанубий Корея каби 30 дан тортиқ ривожланган давлатларда таълим олиши ва стажировка ўташи ташкил этилди.

Жамғарманинг математика, кимё, биология ва геология фанлари бўйича 2021 йил январь-март ойларида ўтказилган 1-стипендия танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган **жами 115** нафар стипендиатлар орасидан **44 нафари ёки 38% хотин-қизларни** ташкил этади.



6-расм. Жамғарманинг 2021 йилдаги биринчи стипендия танлови ғолибларининг хорижий давлатлар ва жинслар кесимидаги статистикаси.

Бугунги кунда Жамғарма томонидан мазкур танлов ғолибларини хорижий таълим муассасалари ва етакчи компанияларга юбориш чоралари кўрилмоқда.

2021 йилдаги иккинчи стипендия танлови ғолибларининг жинслар кесимидаги статистикаси



7-расм. Жамғарманинг 350 ўринга мўлжалланган навбатдаги стипендия танлови 2-босқичи натижаларининг жинслар кесимида маълумот.

Жамғарманинг 2021 йил эълон қилинган 350 ўринга мўлжалланган навбатдаги иккинчи стипендия танловларида муносиб иштирок этиб, Жамғарма стипендианти сифатида тавсия этилаётган **жами 115 нафар** стипендиатлар орасидан **18 нафари** ёки **16% хотин-қизларни** ташкил этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, иқтидорли ва истиқболли, айниқса республика ҳудудларидан ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янада модернизациялаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компанияларда таълим олишини ташкил этиш учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси ёшларимизга янги имкониятлар яратишда давом этади.